



Халқаро қидирувдаги ушланган шахсларни экстрадиция (хорижий давлатдан этап қилиш) ишларини амалга ошириш тартиби

Мусаев Одил Хамидович

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар прокуратураси ходими, адлия маслаҳатчиси

ARTICLE INFO

Received: 08th February 2024

Accepted: 08th February 2024

Online: 09th February 2024

КАЛИТ СЎЗЛАР

экстрадиция, тезкор-қидирув, суриштирув ва тергов органлари.

АННОТАЦИЯ

Халқаро қидирувдаги шахсни ушлаган ва қамоққа олган давлатнинг ваколатли (Марказий) органи томонидан шахсни экстрадиция қилиш ҳужжатларида зарур маълумотлар акс эттирилмагани важи билан, қўшимча маълумотларни тақдим қилиш ва бунинг учун Конвенцияларда белгиланган 30 кунлик қўшимча муддатга узайтирилиши мумкин.

Ўзаро тузилган шартномаларда ушбу муддатлар янада қисқа бўлиши мумкин.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизматининг 23.03.2004 йилги "Халқаро қидирувдаги ушланган шахсларни хорижий давлатларга бериш ва хориждан келтириш (экстрадиция қилиш) юзасидан ишларни ташкил этиш тўғрисида"ги Қўшма кўрсатмада, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари қидирилаётган шахснинг ушланганлиги тўғрисида хорижий давлатдан олинган маълумотни 1 сутка ичида суриштирув ва тергов органларига тақдим этиши, суриштирув ва тергов органи экстрадиция ҳужжатларини 7 сутка муддат ичида ўзининг марказий органлари орқали Бош прокуратурага тақдим этилиши белгиланган.

Бироқ, амалиётда тезкор-қидирув ходимлари томонида Қўшма кўрсатма талабларини бузиб, қидирилаётган шахснинг ушланганлиги тўғрисида хорижий давлатдан олинган маълумотни 1 сутка ичида суриштирув тергов органларига тақдим этмаслигига йўл қўйилмоқда.

Ўз навбатида, экстрадиция ҳужжатларини тайёрлашда процессуал қарорлар хатолар билан нотўғри таржима қилиниши, анкета маълумотлари тўлиқ кўрсатилмаслиги, этап қилиш қарорларида жиноят тафсилотларини тўлиқ ёритмаслик ҳолатларига йўл қўйилиши, суриштирув ва тергов органи томонидан экстрадиция ҳужжатларини Қўшма кўрсатмада белгиланган 7 сутка муддат ичида Бош прокуратурага тақдим этилмаслиги натижасида Конвенцияда кўрсатилган муддатларни бузилиши ва ушланган шахсни қамоқдан озод

этилиши сабаб бўлмоқда.

Баён этилганларни инобатга олиб, халқаро қидирувда бўлган шахс ушлангани ва қамоққа олингани ҳақида хабар олган суриштирув ёки тергов органи Қўшма кўрсатмада белгиланган муддатларга қатъий риоя қилиб, 7 кунлик муддат ичида экстрадиция ҳужжатларини Бош прокуратурага тақдим этишлиши муҳим аҳамиятга эга.

Қўшма кўрсатмада бу муддатларнинг белгиланишига сабаб, юқорида қайд этилганидек Конвенцияларда белгиланган талабларга асосан агар шахс қамоққа олинган кундан эътиборан 40 кун давомида уни ушлаб бериш (экстрадиция) тўғрисидаги ҳужжатлар тақдим этилмаса, шахс қамокдан озод этилади.

Конвенция аъзо давлатлари ўртасида халқаро қидирувда ушланган шахсни бериш тўғрисидаги илтимосномага илова қилинадиган процессуал ҳужжатлар рус тилига таржима қилиниб юборилади. (икки томонлама халқаро шартномалар бўйича сўров юборилаётган давлатнинг тилига таржима қилиниши мумкин)

Халқаро қидирувда ушланган шахсни бериш тўғрисидаги илтимосномага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши шарт:

1) Жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги сўров юбораётган органнинг

номи;

2) Шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор; (айблов тўлдирилган ёки ўзгартирилган бўлса, охирги варианты)

3) Эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор ва суд ажрими;

4) Қидирув эълон қилиш тўғрисидаги қарор ёки суд ажрими;

5) Айбланувчини этап қилиш тўғрисидаги қарор ёки суд ажрими;

6) Ушланган шахснинг паспорти ёки Ф-1 карточкасининг нусхаси;

7) Ушланган шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишни сўраб мурожаат қилмаганлиги ҳақидаги ИИБ МваФРББнинг маълумотномаси;

8) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қилмиш жиноят деб эътироф этилишига асос бўладиган тегишли моддасининг кўчирмаси;

9) Қидирилаётган шахсни ушланган жойи ҳамда вақти тўғрисидаги маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган барча ҳужжатлар тегишли халқаро шартномада назарда тутилган тилларга таржима қилинган ҳолда икки нусхада тайёрланиши ва уларнинг ҳар бир саҳифасига суриштирув ҳамда тергов органининг гербли муҳри билан тасдиқланиши шарт.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жиноят ишида айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда:

1) айбланувчи тариқасида жалб этилаётган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган куни, оyi ва йили;

2) айбловнинг мазмуни, яъни шахснинг зиммасига қўйилаётган жиноят ҳодисаси, у содир этилган жой, вақт ва бошқа муҳим ҳолатлар баёни;

3) Жиноят кодексининг ушбу жиноятни назарда тутган моддаси, қисми, банди акс эттирилиши лозим.

4) Жиноят кодексининг турли моддалари, қисмлари ёки бандларида назарда тутилган бир неча жиноятни содир этишда айблаганда, бу жиноятлардан ҳар бирининг моҳияти ва юридик тавсифи алоҳида кўрсатилиши лозим.

Айнан шу талаблар шахсни этап қилиш тўғрисидаги қарорда ҳам ёритилиши шарт.

Конвенция бўйича қуйидаги ҳолларда ушлаб бериш рад этилади, агар:

- ушлаб бериш талаб қилинаётган шахс сўров юборилган давлатнинг фуқароси бўлса;

- ушлаб бериш талаби келиб тушган пайтда сўров юборилган давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги туфайли ёки бошқа қонуний асосга кўра жиноят иши қўзғатиш ёхуд ҳукми ижро этиш мумкин бўлмаса;

- ушлаб бериш талаб қилинаётган шахсга нисбатан сўров юборилган давлатнинг айнан ўша жинояти учун қонуний кучга кирган ҳукми ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарори мавжуд бўлса;

- ҳар икки давлат қонунчилигига мувофиқ жиноят учун жиноий таъқиб хусусий айблаш тартибида бўлса.

Сўров юборилган давлат ҳудудида содир этилган жиноят бўйича ушлаб бериш талаб қўйилган бўлса ҳам, ушлаб бериш рад этилади.

Шу билан бирга, амалиётда суд томонидан қидирув эълон қилиниб, халқаро қидирувда ушланган шахсларга нисбатан экстрадиция ҳужжатларни тайёрлаш бўйича судлар билан муаммолар юзага келади. Аксарият ҳолларда суд органлари экстрадиция ҳужжатларини тайёрлашни ички ишлар ёки прокуратура органлари зиммасига юклашга ҳаракат қилишади.

Бундай пайтларда судларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 592-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 2012 йил 25 майдаги 6-сонли Қарори талабларини тушунтириш мақсадга мувофиқ.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 592-моддасига мувофиқ процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўров:

- умумий юрисдикция судлари томонидан амалга ошириладиган жиноят ишларини юритиш билан боғлиқ масалалар бўйича - Ўзбекистон Республикаси Олий суди орқали;

- суднинг қарори ёки прокурорнинг розилиги (санкцияси) талаб қилинмайдиган процессуал ҳаракатлар бўйича - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати орқали;

- қолган ҳолларда — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси орқали юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 2012 йил 25 майдаги 6-сонли Қарорининг 6-банди иккинчи хатбошида фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўрилаётган ишларни юритиш билан боғлиқ масалалар бўйича, шу жумладан, суд томонидан эълон қилинган қидирув натижасида турган жойи аниқданган шахсни ушлаб туриш ва бериш масалалари бўйича - Ўзбекистон Республикаси Олий суди орқали киритилиши белгиланган.

Шунингдек, ушбу Пленумнинг 9-бандида қидирувда бўлган шахс хорижий давлат ҳудудида аниқланганда, уни ушлаб туриш, қамоққа олиш, ушлаб бериш ва кўчириб келиш зарурияти тўғрисидаги масала қидирув эълон қилган суд томонидан ажрим чиқариш ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш йўли билан ҳал этилиши кўрсатилган.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 600-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасига хорижий давлат томонидан ушлаб берилган шахс ўзи ушлаб берилгунига қадар содир этган ва ушлаб берилишига сабаб бўлмаган жинояти учун уни ушлаб берган давлатнинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, жазоланиши, шунингдек учинчи бир давлатга топширилиши мумкин эмас.

Айни пайтда шуни назарда тутиш лозимки, шахснинг ҳаракатларини ЖКнинг енгилроқ жазони назарда тутувчи моддасига (моддаси қисмига) қайта квалификация қилиш учун хорижий давлат ваколатли органининг розилиги талаб этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 318-моддаси 1-қисми 7-банди, 380-моддаларига мувофиқ процессуал ҳаракатлар, яъни шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш ва қидириш учун қилинган суд чиқимлари ундирилиши белгиланган.

Шу сабабли, суриштирув ва тергов органлари томонидан ЖПКнинг 380-модда талабларига мувофиқ хорижий давлатлардан айбланувчиларни олиб келишга сарфланган процессуал ҳаракатлар, яъни шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш ва қидириш учун

қилинган харажатларни ундириш ҳақидаги маълумотларни айблов хулосасига (айблов далолатномасига) илова қилиниши шарт.

Ўз навбатида суд томоидан ҳукмда ушбу процессуал харажатлар, яъни шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш ва қидириш учун қилинган суд чиқимлари ундирилиши ҳал этилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Г.М. Адашуллаева. (2023). АЙРИМ ФОРСЧА-ТОЖИКЧА ЎЗЛАШМА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИ ИЗОҲЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИГА ДОИР. Oriental Journal of Academic and Multidisciplinary Research , 1(3), 318-321.
2. Адашуллоева Гулноза Мухайбиновна. (2023). Семантические свойства фразеологизмов в узбекском языке с персо-таджикскими элементами. Oriental Journal of Academic and Multidisciplinary Research , 1(3), 284-289
3. Adashulloeva, G. M. (2021). THE STRUCTURE OF TAJIK PHRASEOLOGY. Theoretical & Applied Science, (8), 68-71.
4. Mukhaybinovna, Adashulloeva G. "Semantic Analysis Of Phraseological Units (On The Example Of Alisher Navoi's Poetry)." JournalNX, vol. 6, no. 12, 2020, pp. 432-436.
5. Адашуллоева, Г. М. (2017). Семантические свойства фразеологизмов в узбекском языке с персидско-таджикскими элементами. In Фундаментальные и прикладные научные исследования: актуальные вопросы, достижения и инновации (pp. 191-194).
6. Solijonov Mirfayozbek Shokirjon o'g'li, & Alijonova Kumushxon Erkinboy qizi. (2023). DIRECTIONS OF EMPLOYEE MANAGEMENT IN THE ENTERPRISE. Academia Science Repository, 4(5), 866-870. Retrieved from <https://academiascience.com/index.php/repo/article/view/595>